

**ЗАКАЛАТ ИНСТИТУТИНИНГ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ ВА УНИ ҚЎЛЛАШДАГИ
МУАММОЛАР**

Яллаева Шаҳзода,
Термиз шаҳрида хусусий амалиёт
билан шуғулланувчи нотариус
E-mail: syallayeva@gmail.com

Аннотация:

Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида назарда тутилган закат институтининг фуқаролик-ҳуқуқий табиати, функциялари ва уни қўллаш амалиётидаги муаммолар чуқур таҳлил қилинган. Хусусан, закат ва бўнакни фарқлаш, унинг таъминлов ва жазолов функциялари ўртасидаги нисбат, жавобгарлик механизмидаги коллизиялар ҳамда суд амалиётидаги турлича ёндашувлар илмий полемика асосида ўрганилган. Қиёсий-ҳуқуқий таҳлил доирасида Германия, Россия ва халқаро хусусий ҳуқуқ манбалари ўрганилиб, миллий қонунчиликни такомиллаштириш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: закат, бўнак, мажбурият, жавобгарлик, фуқаролик ҳуқуқи, шартнома, таъминлов воситаси, зарар, неустойка.

CIVIL-LEGAL NATURE OF THE INSTITUTE OF ZAKALAT AND PROBLEMS IN ITS APPLICATION

Yallaeva Shahzoda,
Notary in private practice in Termez
E-mail: syallayeva@gmail.com

Annotation:

This article provides an in-depth analysis of the civil-legal nature of the institution of zakalat, its functions and problems in the practice of its application, as provided for in the Civil Code of the Republic of Uzbekistan. In particular, the distinction between zakalat and zanak, the relationship between its security and punitive functions, conflicts in the liability mechanism, and various approaches in judicial practice are studied on the basis of scientific polemics. Within the framework of comparative legal analysis, German, Russian and international private law sources are studied and specific proposals are developed to improve national legislation.

Keywords: zakalat, bonak, obligation, liability, civil law, contract, instrument of provision, damage, neustopika.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда мажбуриятларнинг барқарор ва ўз вақтида ижро этилишини таъминлаш ҳуқуқ тизимининг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Айниқса, бозор иқтисодиёти шароитида шартномавий интизомни мустаҳкамлаш, тарафлар ўртасида ишонч муҳитини шакллантириш ва ҳуқуқий хавфларни камайтириш долзарб аҳамият касб этади. Мазкур вазифаларни амалга оширишда мажбуриятларни таъминлаш институтлари, жумладан закат алоҳида ўрин тутаяди. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 311-моддасига мувофиқ, шартнома тузаётган тарафлардан бири томонидан шартнома

тузилганлигини тасдиқлаш ва унинг ижросини таъминлаш мақсадида бериладиган пул суммаси закат деб эътироф этилади[1]. (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, 311-модда). Ушбу таърифдан келиб чиқиб, закат бир вақтнинг ўзида ҳам исботлов, ҳам таъминлов функциясини бажарувчи ҳуқуқий восита сифатида намоён бўлади.

Фуқаролик ҳуқуқи назариясида закат институтининг ҳуқуқий табиатига нисбатан ягона ёндашув мавжуд эмас. Классик цивилистик таълимот вакиллари, хусусан О.С. Иоффе закатни мажбурият ижросини таъминлашга қаратилган қўшимча (акцессор) мажбурият сифатида баҳолайди ва унинг асосий вазифаси тарафларни шартнома шартларини бажаришга иқтисодий жиҳатдан рағбатлантиришдан иборатлигини таъкидлайди[2]. Ушбу позиция кейинчалик Е.А. Суханов томонидан ҳам қўллаб-қувватланиб, закат мажбурият бузилган тақдирда жавобгарлик чораси сифатида намоён бўлиши қайд этилган[3]. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 312-моддасида закатнинг жазоловчи (санкцион) хусусияти аниқ ифода этилган бўлиб, мажбурият бажарилмаган тақдирда унинг оқибатлари қатъий белгиланган.

Шу билан бирга, айрим илмий қарашларда закатнинг исботлов функцияси устувор деб қаралади. Мазкур ёндашувга кўра, закат аввало шартнома тузилганлигини тасдиқловчи далил сифатида хизмат қилади. Бироқ замонавий шартномавий муносабатларда шартномаларнинг аксарияти ёзма шаклда тузилиши инobatга олинганда, закатнинг исботлов аҳамияти нисбатан чекланганлиги кузатилади. Шу боис, ҳозирги цивилистик адабиётларда закатнинг аралаш (комплекс) ҳуқуқий табиати ҳақидаги концепция кенг тарқалган бўлиб, унга кўра закат бир вақтнинг ўзида исботлов, таъминлов ва жавобгарлик функцияларини мужассамлаштиради[4]. Мазкур ёндашув Ўзбекистон қонунчилигининг мазмунига ҳам тўлиқ мос келади, чунки 311 ва 312-моддаларни тизимли талқин қилиш орқали закатнинг кўп функцияли табиати аён бўлади.

Закат институтини қўллашда энг долзарб муаммолардан бири уни бўнақдан фарқлаш масаласи ҳисобланади. Амалдаги қонунчиликка кўра, агар тўланган сумма закат эканлигига шубҳа туғилса, у бўнак сифатида баҳоланади (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, 311-модда

3-қисм). Ушбу нормада “бўнак фойдасига презумпция” мустаҳкамланган бўлиб, у амалиётда закат институтининг самарадорлигини маълум даражада пасайтиради. Чунки бундай ёндашув тарафларнинг ҳақиқий иродасини тўлиқ акс эттирмаслиги ва суд амалиётида формал талқинга олиб келиши мумкин. Бу борада хорижий тажрибани ўрганиш шуни кўрсатадики, масалан Россия Федерацияси фуқаролик ҳуқуқида ҳам закат (задаток) институти ўхшаш тарзда тартибга солинган бўлса-да, суд амалиётида унинг таъминлов функциясига устувор аҳамият берилиши кузатилади[5]. Германия ҳуқуқ тизимида эса закат мустақил институт сифатида эмас, балки шартнома эркинлиги доирасида баҳоланиб, унинг ҳуқуқий режими тарафлар келишуви орқали аниқланади[6].

Фикримизча, амалдаги қонунчиликдаги мазкур презумпция закат институтининг иқтисодий ва ҳуқуқий функцияларини чеклайди. Шу сабабли, агар тарафлар ўртасида тўловнинг таъминлов характери аниқланса, уни закат сифатида квалификация қилиш устувор бўлиши мақсадга мувофиқ. Бу эса шартнома интизомини мустаҳкамлаш ва ҳуқуқий аниқликни таъминлашга хизмат қилади.

Шунингдек, закатнинг функциялари қонунчиликда тўлиқ ва тизимли равишда мустақамланмаганлиги ҳам назарий ва амалий муаммоларни келтириб чиқаради. Илмий таҳлиллардан келиб чиқиб, закатнинг қуйидаги асосий функцияларини ажратиш мумкин: биринчидан, таъминлов функцияси – у тарафларни мажбуриятни бажаришга рағбатлантиради; иккинчидан, компенсацион функция – зарарларни қисман қоплашга хизмат қилади; учинчидан, жазолов функцияси – мажбурият бузилганда молиявий санкция сифатида намоён бўлади; тўртинчидан, исботлов функцияси – шартнома мавжудлигини тасдиқлайди. Бироқ мазкур функциялар ўртасидаги ўзаро нисбат ва устуворлик қонунчиликда аниқ белгилаб берилмаганлиги сабабли, уларни қўллашда турлича ёндашувлар юзага келмоқда.

Юқоридаги таҳлиллар шуни кўрсатадики, закат институти фуқаролик ҳуқуқида муҳим ўрин эгаллашига қарамасдан, унинг ҳуқуқий табиати ва амалий қўлланилишида бир қатор муаммолар мавжуд. Хусусан, унинг кўп функцияли табиати қонунчиликда етарлича аниқ ифода этилмаган, закат ва бўнакни фарқлаш механизми мукамал эмас, ҳамда суд амалиётида унинг таъминлов салоҳияти тўлиқ рўёбга чиқмаяпти. Бу эса ушбу институтни янада такомиллаштириш заруратини асослайди ва кейинги таҳлилларда унинг жавобгарлик механизми ҳамда қонунчилик ислоҳоти масалаларини чуқур ўрганишни тақозо этади.

Таъкидлаш лозимки, закат институтининг жавобгарлик механизми ва уни қўллашдаги коллизиялар илмий ва амалиётчи доираларда бир қанча баҳс-мунозаларни келтириб чиқаради. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда закат институтининг энг муҳим жиҳатларидан бири унинг жавобгарлик механизми ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 312-моддасига мувофиқ, закат билан таъминланган мажбурият бажарилмаган тақдирда унинг ҳуқуқий оқибатлари қатъий тарзда белгиланган. Жумладан, агар шартнома бажарилмаслиги учун закат берган тараф жавобгар бўлса, закат иккинчи тарафда қолади; аксинча, агар закатни олган тараф айбдор бўлса, у закат суммасини икки баравар қилиб қайтариши шарт. Бундан ташқари, жавобгар тараф закат суммасини ҳисобга олган ҳолда зарарларни ҳам қоплаши лозим (ФК, 312-модда).

Мазкур нормада закат институтининг ўзига хос жазоловчи ва компенсацион хусусияти мужассамлашган бўлиб, у классик фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик моделидан муайян даражада фарқ қилади. Илмий адабиётларда ушбу масала атрофида жиддий полемика мавжуд. Хусусан, Е.А. Суханов закатни “аванс билан боғлиқ бўлмаган, балки мустақил санкцион институт” сифатида баҳолайди ва унинг икки баравар қайтарилиши жазоловчи характерга эга эканлигини таъкидлайди[7]. Шу билан бирга, М.И. Брагинский ва В.В. Витрянский ушбу институтни неустойка (пеня)га яқинлаштириб, унинг моҳиятида шартнома бузилганлиги учун олдиндан белгиланган молиявий жавобгарлик шакли мужассам эканлигини қайд этадилар[8]. Бироқ мазкур ёндашувлар тўлиқ бир хил эмас. Айрим олимлар закатни классик неустойка билан тенглаштиришга қарши чиқиб, унинг ўзига хос хусусиятларини алоҳида таъкидлайдилар. Масалан, О.С. Иоффе фикрига кўра, закат неустойкадан фарқли равишда бир вақтнинг ўзида ҳам исботлов, ҳам таъминлов, ҳам санкцион функцияларни бажаради ва шу жиҳати билан у комплекс ҳуқуқий конструкция ҳисобланади[9]. Бу нуқтаи назар амалдаги қонунчилик мазмунига ҳам мос келади.

Шу билан бирга, 312-моддани қўллашда қатор назарий ва амалий муаммолар юзага келмоқда. Биринчи муаммо – закатнинг икки баравар қайтарилиши билан зарарларни қоплаш ўртасидаги ўзаро муносабатдир. Қонунчиликка кўра, зарарлар закат суммасини ҳисобга

олган ҳолда қопланади. Бироқ бу норманинг амалда қандай қўлланилиши аниқ эмас. Хусусан, закат икки баравар қайтарилган тақдирда, ушбу сумма зарарларнинг бир қисми сифатида ҳисобланадими ёки мустақил санкция сифатида баҳоланадими – бу масалада ягона ёндашув мавжуд эмас.

Хорижий ҳуқуқий тажриба мазкур масалани ечишда муҳим аҳамият касб этади. Россия Федерацияси Олий суди Пленумининг 2016 йил 22 ноябрдаги 54-сонли қарорида закат суммаси зарарларни қоплашда ҳисобга олиниши, аммо у мустақил жавобгарлик чораси сифатида ҳам қаралиши мумкинлиги таъкидланган. Германия ҳуқуқида эса шартнома бузилганлиги учун тўланадиган компенсация ва олдиндан белгиланган тўловлар (Vertragsstrafe) қатъий ажратилади ва уларнинг аралашшига йўл қўйилмайди (BGB, §§339–345).

Иккинчи муҳим муаммо – айб принципнинг қўлланилиши билан боғлиқ. Фуқаролик кодексида закатнинг қайтарилиши ёки сақланиб қолиши тарафнинг “жавобгарлиги”га боғланган. Бу эса айб (вина) категориясини назарда тутаяди. Бироқ амалиётда айбни аниқлаш мураккаб бўлиб, айниқса, иқтисодий муносабатларда шартнома бажарилмаслиги кўпинча объектив омиллар билан боғлиқ бўлади. Шу сабабли, айрим ҳолларда закат институти айбсиз жавобгарликка яқинлашиб кетиши мумкин.

Учинчи муаммо – мажбуриятни бекор қилиш ҳолатида закат тақдири билан боғлиқ. 312-моддага кўра, агар мажбурият тарафларнинг келишуви билан ёки бажаришнинг имкони йўқлиги сабабли бекор қилинса, закат қайтарилиши лозим. Бу ҳолатда адолатли кўрингани билан, амалиётда “имкони йўқлик” тушунчасининг талқинида турли ёндашувлар мавжуд. Масалан, иқтисодий инқироз, бозор шароитининг кескин ўзгариши ёки инфляция каби ҳолатлар мажбуриятни бажариш имкони йўқлиги сифатида баҳоланиши мумкинми – бу масалада аниқ мезонлар ишлаб чиқилмаган.

Юқоридаги муаммолардан келиб чиқиб, закат институти такомиллаштириш бўйича қатор илмий таклифларни илгари суриш мумкин. Биринчидан, қонунчиликда закатнинг ҳуқуқий табиати ва функцияларини аниқ белгилаб бериш мақсадга мувофиқ. Хусусан, унинг таъминлов ва санкцион функциялари ўртасидаги нисбат норматив даражада мустақамланиши лозим. Иккинчидан, закат ва зарарларни қоплаш ўртасидаги муносабат аниқлаштирилиб, “закат зарарларнинг бир қисми сифатида ҳисобланади” деган ҳолатда аниқ ва тушунарли шаклда ифода этилиши зарур. Учинчидан, закатни қўллашда айб принципини енгиллаштириш ёки уни объектив жавобгарлик элементлари билан уйғунлаштириш бўйича нормалар ишлаб чиқилиши мумкин. Тўртинчидан, “бажаришнинг имкони йўқлиги” тушунчасини аниқлаштириш ва унинг ҳуқуқий мезонларини белгилаш талаб этилади.

Шу тариқа, закат институтининг жавобгарлик механизми фуқаролик ҳуқуқида муҳим аҳамиятга эга бўлса-да, унинг амалдаги ҳуқуқий тартибга солинишида қатор коллизиялар ва ноаниқликлар мавжуд. Мазкур ҳолатлар унинг самарадорлигини пасайтириб, суд амалиётида турлича ёндашувларга сабаб бўлмоқда. Бу эса закат институти комплекс равишда қайта кўриб чиқиш ва уни замонавий бозор муносабатлари талабларига мос равишда такомиллаштириш заруратини яна бир бор тасдиқлайди.

Закат институти назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, у фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда муҳим таъминлов воситаси бўлишига қарамасдан, амалдаги ҳуқуқий тартибга солинишида қатор концептуал ва техник камчиликлар мавжуд.

Хусусан, унинг ҳуқуқий табиати етарлича аниқ ифода этилмаганлиги, закат ва бўнакни фарқлаш механизмининг номуносиблиги, жавобгарлик механизмларидаги коллизиялар ҳамда суд амалиётидаги турлича ёндашувлар мазкур институтнинг самарадорлигини пасайтирмақда. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига закат институтини комплекс равишда такомиллаштириш зарурати мавжуд.

Аввало, закатнинг ҳуқуқий табиати ва функцияларини норматив даражада аниқ белгилаб бериш талаб этилади. Амалдаги 311-моддада закатнинг таърифи берилган бўлса-да, унинг кўп функцияли моҳияти – яъни таъминлов, жазолов ва компенсацион хусусиятлари тўлиқ очиб берилмаган. Илмий адабиётларда, хусусан О.С. Иоффе ва М.И. Брагинский томонидан закат комплекс ҳуқуқий институт сифатида баҳоланиши қайд этилган[10]. Шу боис, қонунчиликда закатнинг функцияларини алоҳида нормада мустақамлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу эса унинг ҳуқуқий табиатини аниқлаштириш ва суд амалиётида ягона ёндашувни шакллантиришга хизмат қилади.

Иккинчидан, закат ва бўнакни фарқлаш механизминини қайта кўриб чиқиш зарур. Амалдаги қоидага кўра, агар тўланган сумма закат эканлигига шубҳа туғилса, у бўнак деб ҳисобланади (ФК, 311-модда 3-қисм). Бу “бўнак фойдасига презумпция” амалиётда закат институтининг аҳамиятини пасайтиради ва тарафларнинг ҳақиқий иродасини тўлиқ акс эттирмайди. Қиёсий-ҳуқуқий таҳлил шуни кўрсатадики, Германия ҳуқуқида (BGB) бундай қатъий презумпция мавжуд эмас, балки шартнома шартлари ва тарафлар иродаси устувор аҳамиятга эга (Bürgerliches Gesetzbuch, §133, §157). Шу нуқтаи назардан, миллий қонунчиликда ҳам тўловнинг ҳуқуқий табиатини аниқлашда тарафларнинг ҳақиқий мақсадига устувор аҳамият бериш лозим.

Учинчидан, закатнинг жавобгарлик механизминини такомиллаштириш муҳим ҳисобланади. Амалдаги 312-моддада закатнинг икки баравар қайтарилиши ва зарарларни қоплаш қоидалари белгиланган бўлса-да, уларнинг ўзаро нисбати аниқ эмас. Илмий адабиётларда бу масала “двойная санкция” муаммоси сифатида баҳоланиб, закат неустойка билан аралашиб кетиши қайд этилган (Суханов Е.А., 2005, С. 102). Россия Федерацияси Олий суди амалиётида эса закат ва зарарларни қоплаш ўртасидаги муносабат аниқлаштирилиб, закат суммаси зарарларнинг бир қисми сифатида ҳисобга олиниши қайд этилган (Постановление Пленума ВС РФ №54 от 22.11.2016). Шу асосда миллий қонунчиликда ҳам қуйидаги қоидани киритиш мақсадга мувофиқ: закат зарарларнинг бир қисми сифатида ҳисобланади ва қўшимча жавобгарлик фақат зарар закат суммасидан ортиқ бўлган тақдирда қўлланилади.

Тўртинчидан, закат институтини қўллашда айб (вина) принципини қайта кўриб чиқиш зарур. Амалдаги нормада жавобгарлик тарафнинг айбига боғланган бўлса-да, замонавий иқтисодий муносабатларда шартнома бузилиши кўпинча объектив омиллар билан боғлиқ бўлади. Шу сабабли, айрим ҳолларда закат институтини “қисман объектив жавобгарлик” моделига яқинлаштириш мумкин. Бу ёндашув халқаро шартнома ҳуқуқида ҳам қўлланилади, жумладан UNIDROIT Principles of International Commercial Contracts да мажбурият бузилиши учун жавобгарлик кўп ҳолларда айбдан қатъи назар қўлланилади[11].

Бешинчидан, “мажбуриятни бажариш имкони йўқлиги” тушунчасини аниқлаштириш талаб этилади. Амалдаги 312-модда мазкур ҳолатда закат қайтарилишини назарда тутса-да, ушбу тушунчанинг мазмуни очиб берилмаган. Илмий адабиётларда мазкур ҳолат “форс-мажор” ва “иқтисодий имкониятсизлик” тушунчалари билан боғлиқ равишда таҳлил қилинади[12]. Шу

нуқтаи назардан, миллий қонунчиликда мазкур тушунчага аниқ таъриф бериш ва унинг қўлланилиш мезонларини белгилаш зарур.

Юқорида баён этилган таклифлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига қуйидаги таҳририй ўзгартишларни киритиш таклиф этилади:

– ФК 311-моддасини қуйидаги мазмундаги қисм билан тўлдириш:

“Закалат мажбурият ижросини таъминлаш, шартнома тузилганлигини тасдиқлаш ва уни бузганлик учун жавобгарлик чораси сифатида хизмат қилади”;

– ФК 311-модда 3-қисмини қуйидаги янги таҳрирда қабул қилиш:

“Тўланган сумманинг ҳуқуқий табиати тарафларнинг ҳақиқий иродаси ва келишув мазмунидан келиб чиққан ҳолда аниқланади”;

– ФК 312-моддани қуйидаги қисм билан тўлдириш:

“Закалат суммаси зарарларни қоплашда ҳисобга олинади. Агар зарар миқдори закалат суммасидан ортиқ бўлса, фарқ қисми кўшимча равишда ундирилади”;

– ФКни қуйидаги мазмундаги янги 312¹-модда билан тўлдириш:

“Мажбуриятни бажариш имкони йўқлиги деб тарафларнинг иродасига боғлиқ бўлмаган ва олдиндан кўзда тутиш мумкин бўлмаган ҳолатлар тушунилади”.

Шу тариқа, закалат институтини такомиллаштиришга қаратилган мазкур таклифлар унинг ҳуқуқий аниқлигини таъминлаш, суд амалиётида ягона ёндашувни шакллантириш ва шартномавий интизомни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Ушбу ислохотлар натижасида закалат институти замонавий бозор муносабатларига мослаштирилган, самарали ва барқарор ҳуқуқий механизм сифатида қайта шаклланиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.12.2025 й., 03/25/1109/1241-сон. <https://lex.uz/docs/111189#155188>
2. Иоффе О.С. Обязательственное право. – М.: Юридическая литература, 1975. – С. 412–414.
3. Суханов Е.А. Гражданское право: Учебник. Т. 2. – М.: Волтерс Клувер, 2005. – С. 98–101.
4. Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право. Книга первая. – М.: Статут, 2001. – С. 623–626.
5. Постановление Пленума ВС РФ №54 от 22.11.2016.
6. Bürgerliches Gesetzbuch, §336
7. Суханов Е.А. Гражданское право. Т. 2. – М., 2005. – С. 102.
8. Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право. – М., 2001. – С. 627–629.
9. Иоффе О.С. Обязательственное право. – М., 1975. – С. 415.
10. Иоффе О.С., 1975, С. 415; Брагинский М.И., Витрянский В.В., 2001, С. 623.
11. UNIDROIT Principles, 2016, Art. 7.1.1.
12. Schlechtriem P., Schwenger I. Commentary on the UN Convention on the International Sale of Goods (CISG). – Oxford, 2016, p. 1068–1075.